



07.01.2022 даги

Бухоро вилоят Тоза Худуд ДУК ва Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасида 8970000,00 сўм умумий  
суммага тузилган 4 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 054  
Шахсий газна ҳисобварақ 100022860062407072120054007

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4225000			
Январь	2 990 000,00			2 990 000,00
Февраль	2 990 000,00			2 990 000,00
Март	2 990 000,00			2 990 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>8 970 000,00</b>			<b>8 970 000,00</b>

Жами 8970000,00 сўм

Саккиз миллион тўққиз юз етмиш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 8970000,00 сўм ёки 100 % \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
100 % \*\*\*\*2022 йил январь ойида тўланиши лозим.

( ) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан вазначилик бўлинмасига икки нусхада  
такдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан оёига \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши  
лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар  
кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)  
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

Буюртмачи бош бухгалтери

Хожиев Авазбек Ярашевич  
Ф.И.Ш.

Имомов Улугбек Сайфуллоевич  
Ф.И.Ш.

Вазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

« \_\_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_\_ й.

« \_\_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_\_ й.

Юридик шахслар билан каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизматларини  
кўрсатишга доир

ШАРТНОМА № 4

«07» январь 2022 йил

Пешку т.

“Бухоро вилоят Тоза худуд ДУК Пешку туман филиали, кейинги ўринларда “ИЖРОЧИ” деб аталувчи, раҳбари Н.Махадов бўлган, Устав асосида фаолият юритувчи бир томондан, ва Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси, кейинги ўринларда “ИСТЕЪМОЛЧИ” деб аталувчи, раҳбари А.Хожиев бўлган, Устав ёки Низом асосида фаолият юритувчи иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартнома асосида, “ИЖРОЧИ” ва “ИСТЕЪМОЛЧИ” ўрталарида қаттик ва/ёки суюқ маиший чиқинди(ҚМЧ)ларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш юзасидан тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари ўрнатилади.

“ИСТЕЪМОЛЧИ” топширик беради, “ИЖРОЧИ” эса, “ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг Янгибозор МФЙ манзилида жойлашган худуддаги (ҳажмлари 750 л, 1100 л., 20 м<sup>3</sup> бўлган, кераклигининг тагига чизилсин) 6 дона контейнерлардаги қаттик маиший чиқиндиларни ҳафтасига 1 марта тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматини кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. “ИСТЕЪМОЛЧИ” (контейнерлари бўлган юридик шахс) ишлар натижасини “Йўл варағи” ёки “Буюртма-наряди”га қайд қилган ҳолда қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

“ИСТЕЪМОЛЧИ” топширик беради, “ИЖРОЧИ” эса, Янгибозор МФЙ манзилида жойлашган чиқиндиларни тўплаш шахобчаси(ЧТШ) майдонидан қаттик маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, “ИСТЕЪМОЛЧИ” эса, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

“ИСТЕЪМОЛЧИ” топширик беради, “ИЖРОЧИ” эса, “ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг Янгибозор МФЙ манзилида жойлашган худудидан махсус автотранспорт билан суюқ чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. “ИСТЕЪМОЛЧИ” (юридик шахс) ишлар натижасини “Йўл варағи” ёки “Буюртма-наряди”га қайд қилган ҳолда қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. ҚМЧларнинг умумий тўпланиши ойига 65 м<sup>3</sup>, 195 м<sup>3</sup>ни ташкил қилади.

“ИЖРОЧИ”нинг алоҳида ҳақ учун “ИСТЕЪМОЛЧИ”га қўшимча хизматлар кўрсатишини талаб қилишга ҳаққи йўқ.

2. КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартнома тузилган ондаги 1 м<sup>3</sup> ҚМЧни олиб чиқиб кетиш учун тариф 40000 сўмни, ҚҚС билан 46000 сўмни ташкил қилади.

2.2. Умумий қиймат мазкур шартномага кўра 8 970 000 (саккиз миллион туккиз юз етмиш минг ) сўмни ташкил қилади.

Қаттик ва/ёки суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш тарифи ўзгарганда, “ИЖРОЧИ” бу ҳақида, улар кучга киришидан 15 кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади.

2.3. “ИСТЕЪМОЛЧИ” қаттик ва/ёки суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар нархидан камида 100 фоиз миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширишга, кўрсатилган хизматлар учун тўлик ҳисоб-китобни тўлов ойдан кейинги ойнинг 30 кунли мобайнида амалга оширишга мажбур.

2.4. Тўлов ҳисоби қаттик маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари кўрсатилган тегишли даврларда амалда бўлган, қаттик маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари унун тарифга кўра амалга оширилади.

2.5. Юридик манзил, корхона номи, ҳисоб рақами ёки ҚМЧларни олиб чиқиш ҳажмлари ўзгарган ҳолда, томонлар бошқа томонни 10 кун ичида ёзма равишда хабардор қилишлари лозим.

2.6. Қаттик маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари лозим сифатда кўрсатилмас ёки белгиланган давомийликдан ошадиган узилишлар билан кўрсатилган бўлса, хизматлар учун тўлов миқдори тегишли давр учун камайтирилиши лозим.

2.7. Кўрсатилган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра, хизматлар кўрсатилмаганлиги, лозим сифатдаги хизмат кўрсатилмаганлиги ҳолатларини тасдиқлайдиган, “ИСТЕЪМОЛЧИ”, “ИЖРОЧИ”нинг вакили, томонидан имзоланадиган далолатнома тузилади.

Кўрсатилмаган ёки лозим сифатда кўрсатилмаган хизматлар тўғрисидаги далолатнома қаттик ва/ёки суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўлов миқдорини қайта ҳисобланиши, “ИЖРОЧИ” томонидан, ўз мажбуриятларини бузганлигига неустойка (жарима) тўлаши учун асос бўлиб хизмат қилади.

“ИЖРОЧИ” томонидан “ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига зарар етказилганда, зарар етказилганлиги қайд этиладиган, “ИЖРОЧИ” ва “ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг вакили томонидан имзоланадиган далолатнома тузилади.

Далолатнома “ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг, “ИЖРОЧИ” вакилларининг имзолари бўлганда юридик кучга эга бўлади.

“ИЖРОЧИ”нинг вакили келмаган ҳолда, “ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилининг имзоси етарли бўлади.

“ИЖРОЧИ”нинг вакили далолатномани имзолашни рад этган ҳолда, у рад этишнинг сабабларини ёзма асослашга мажбур. Акс ҳолда, “ИСТЕЪМОЛЧИ” қаттиқ маший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловни суд қарори қабул қилингунга қадар тўхтатишга ҳақли.

### 3 ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1. “ИЖРОЧИ” “ИСТЕЪМОЛЧИ”ни у томондан шартнома мажбуриятларига риоя этилмаганлиги учун жавобгаликка тортиш чораларини кўриш, шунингдек ундан қонун ҳужжатларида белгиланган неустойка (жарима ёки пеня) тўлашини талаб қилиш ҳуқуқига эга.**

“ИЖРОЧИ” меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

#### **3.2. “ИЖРОЧИ” қуйидагиларга мажбур:**

маиший чикиндиларни белгиланган муддатларда олиб кетилишини амалга оширишга;

“ИСТЕЪМОЛЧИ”ларга қаттиқ ва/ёки суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини қонун ҳужжатларида ёки шартномаларда белгиланган талабларга мувофиқ, лозим сифатдаги хизматларни кўрсатишга;

“ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг аризаларини қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддатларда бажаришга;

қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун электрон тўлов тизимини ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб рақами ҳолати кузатувини жорий қилишга;

“ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг режим ва сифати юзасидан шикоятлари (ариза, талаб, даъволари)ни ҳисобга олиш журналин, уларнинг ижроси ҳисобини юритишга;

“ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг аризасига кўра, алоҳида белгиланган ҳақ учун қурилмалар бузилгандаги қурилиш чикиндилари, тупроқ, агротехник ишлар чоғида ҳосил бўладиган чикиндиларни (дарахтлар новдаси, танаси, тўнка ва шохлари) олиб чиқиб кетиш учун қўшимча транспорт ажратишга;

чикинди тўплаш шахобчалари ва контейнерларнинг ҳолати назоратини амалга ошириш, уларнинг тегишли ҳолатини таъминлашга;

“ИСТЕЪМОЛЧИ”нинг аризасига кўра, маиший чикиндиларни тўплаш учун, контейнерларнинг зарур миқдори билан таъминлашга;

чикиндиларни оммавий тўпланиши ҳамда аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва атроф-муҳитга ҳафли бўлган бактерия ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига қарши режали иш олиб боришга (контейнерлар, чикинди тўплаш шахобчаларини дезинфекциялаш орқали);

ҳосил бўлган чикиндилар ҳисобини юритишга;

сараланган маиший чикиндиларни иккиламчи хом ашёларни қабул қилувчи ихтисослаштирилган корхоналарга белгиланган тартибда топширилишини таъминлашга;

“ИСТЕЪМОЛЧИ”ни қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш тартиби ва тарифларидаги ўзгартиришлар тўғрисида, уларнинг кучга киришидан 15 кун олдин, “ИЖРОЧИ”нинг абонентлик шахобчаларида эълонлар илиш ва оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишга;

“ИСТЕЪМОЛЧИ”га кўрсатилаётган хизматлар сифатидаги қондабузаликларни олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўришга;

истеъмолчага маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетганлик учун тўлов ҳисоб-китобларининг ҳолати ҳақидаги, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни бепул беришга;

чикинди тўплаш шахобчалари ва контейнерларни Ўз.Р. 0297-11-сонли СанКваМларига мувофиқ дезинфекциялашни амалга оширишга

#### **3.3. «ИСТЕЪМОЛЧИ» қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

зарур ҳажмдаги, белгиланган сифатдаги, унинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавфсиз бўлган, унинг мулкига зарар етказмайдиган хизматларни олиш;

хизматлар кўрсатилаётганда “ИЖРОЧИ”нинг айби билан йўл қўйилган камчиликларни бепул бартараф этишини ҳамда неустойка (жарима ёки пеня) тўлашини талаб қилиш;

“ИЖРОЧИДАН” қаттиқ ва/ёки суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, хизматларни кўрсатиш шартлари, коммунал хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгарганлиги ва тўлов тартиби ҳақидаги маълумотларни олиш, шунингдек қаттиқ ва/ёки суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетганлик хизматлари учун тўловларни электрон тўлов тизими орқали амалга ошириш ҳамда реал вақт ҳолати(режими)да шахсий ҳисоб рақами ҳолатини кузатиш;

шартнома мажбуриятлари “ИЖРОЧИ” томонидан сифатсиз бажарилган ҳолда, “ИЖРОЧИ” номига ёзма шаклда ёки телефони орқали шикоятлар бериш ҳамда “ИЖРОЧИ”дан хизматлар етарлича кўрсатилмаганлигини тасдиқловчи далолатнома тузишнинг ҳамда аниқланган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда “ИЖРОЧИ”нинг айби билан йўл қўйилган камчиликларни бепул бартараф этишини ҳамда шартномада олдиндан шартлашиб олинган миқдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўлашини талаб қилиш;

ишлаб чиқариш фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги ҳужжат билан тасдиқланган давр учун ёки хизматлар кўрсатилмаган давр учун қаттиқ ва/ёки суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича тўлов мажбуриятларидан тўлиқ ёки қисман озод бўлиш;

қаттиқ ва/ёки суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари сифатсиз кўрсатилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилиш ва агарда “ИЖРОЧИ” шартномани ўз вақтида бажаришга киришмаётган ёки сифатсиз хизмат кўрсатаётган бўлса, зарарлар қопланишини талаб қилиш;

меъерий-ҳуқуқий ҳужжарларда, қаттиқ ва/ёки суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш шартномасида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

#### **3.4. “ИСТЕЪМОЛЧИ” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

шартнома шартларини бажариш;

ҚМЧларни жойлаштириш жойларини жиҳозлаш ҳамда контейнерли чиқинди тўплагичларни қурилиш чиқиндилари, қатта ўлчамли чиқиндилар ва супуриндилар ортишни тақиклаш бўйича зарур чораларни кўриш, шунингдек алоҳида шартнома ва тўлов бўйича уларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш;

чиқиндиларни жойлаштириш жойларини ташқи ёритгичлар билан ёритилишини ва уларга эркин кириб боришни таъминлаш ҳамда фойдаланилаётган чиқинди тўплагичлар созлигини кузатиб бориш;

ҚМЧларни олиб чиқиш ва йўналиш (маршрут) жадвалларидаги узилишларнинг барча ҳолатлар назоратини амалга ошириш ва улар ҳақида “ИЖРОЧИ”ни телефонлари орқали хабардор қилиш;

ишлар ҳажмлари бажарилганлигини «ИЖРОЧИ»нинг бажарилган ишлар далолатномаларида «ИСТЕЪМОЛЧИ» вакилининг имзоси ва корхонанинг муҳри билан тасдиқлаш;

ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган ишлар далолатномаларини расмийлаштириш;

ҳар ойда, жорий ойнинг охиригача, ўтган ой учун бажарилган ишлар далолатномалари асосида, режалаштирилаётган иш ҳажмидан камида 15% миқдордаги олдиндан тўловни ҳисобга олган ҳолда, “ИЖРОЧИ”нинг ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилишини амалга ошириш;

чиқинди тўплашнинг контейнерли тизимида – чиқиндилар тўплаш шахобчаларига жойлаштирилаётганда қаттиқ маиший чиқиндилик пакетларни тегишли контейнерларга турлари бўйича жойлаштириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни кўчаларга, сув ҳавзаларига, ариқларга, чиқиндиларни тўплаш ва кўмиш учун белгиланмаган жойларга, шунингдек ҳаракатланиб кетаётган автотранспорт воситаларидан тротуар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик;

қаттиқ маиший чиқиндиларни ташкилот, томорқа, ҳовли, қўрали кичкина боғчалар ҳудудида ва полигонлар учун белгиланмаган бошқа жойларга кўмилишига йўл қўймаслик.

### **4. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИК ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

#### **4.1. “ИСТЕЪМОЛЧИ” қуйидагилар учун жавобгар:**

шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловни ўз вақтида тўлаш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни шартнома шартларида кўзда тутилган, қатъий равишда белгиланган жойларда тўплаш тартибини бузганлик учун.

4.1.1. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов ўз вақтида тўланмаганда, «ИСТЕЪМОЛЧИ» ҳар бир кечиктирилган кун учун, ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз, бироқ ўтказиб юборилган тўлов суммасидан 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

#### 4.2. «ИЖРОЧИ» қуйидагилар учун жавобгар:

каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш муддатлари ҳамда хизматлар кўрсатилаётганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатларини бузганлик;

хизмат кўрсатиш муддатларини ҳамда камчиликларни бартараф этиш муддатларини бузганлик учун жаримани ўз вақтида тўламаганлик;

унинг фойдаланишида бўлган, қўриқланадиган ва қўриқланмайдиган, контейнерлик чикинди тўплаш шахобчаларининг техник ҳолати;

хизматлар кўрсатилмаганлик ёки сифатсиз кўрсатилганлиги натижасида ишчиларнинг ҳаёти, соғлиғига ва Истеъмолчининг мулкига етказилган зарар учун.

4.2.1. Хизматлар кўрсатилмаган ҳолда, «ИЖРОЧИ» мажбурият бажарилмаган қисмининг ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий умумий суммаси кўрсатилмаган хизмат қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланганлиги шартнома мажбуриятларини бузган томонни хизматларни лозим сифат ва ҳажмларда кўрсатмаганлик ва шартнома мажбуриятларини кераклигича бажармаганлик натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

### 5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Мазкур шартнома Ҳазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

5.2. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мазкур шартноманинг мазмунига тааллуқли бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда, Томонлар ушбу шартномага қўшимча келишувлар тузиш орқали тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритадилар.

5.3. Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин, томонларнинг биридан уни рад этиш ёки қайта кўриб чиқиш ҳақидаги ариза келиб тушмаса, шартнома ҳар йили узайтирилган деб ҳисобланади.

5.4. Мазкур шартнома тенг юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

### 6. ТОРТИШУВЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

6.1. Томонлар орасида вужудга келадиган барча тортишув, зиддиятлар, етказилган зарар, дебед ва кредитор қарзларни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

Томонларнинг юридик манзили:

#### «ИЖРОЧИ»

Бухоро вилоят Тоza ҳудуд ДУК Пешку филиали  
Манзили Мустақиллик МФЙ, Ибн сино кучаси  
Тел: 65-35-31-498. 65-35-31-010  
х/р 22604000900782670021  
МФО 00088  
ИНН: 304938394  
ОКНХ 90211  
Банк Бухоро ш., Интегра-Банк АТИБ Бухоро в.ф.



Н.Махадов

#### «ИСТЕЪМОЛЧИ»\*

Туман Тиббиёт бирлашмаси  
Манзили: Пешку туман Янгбозор кучаси  
Тел.  
ш/хв: 100022860062407072120054007  
СТИРИ: 200883606  
ОКОНХ: 91511  
Пешку тумани буйича Ҳазначилик булинмаси  
Газна х/в: 23402000300100001010  
Тошкент ш. Марказий банк  
МФО: 00014  
Ҳазначилик булинмаси СТИРИ: 201122919  
Рахбар А.Хожиев



Эслатма: Бюджетдан молияланадиган юридик шахслар билан шартнома тузилаётганда тегишли Ҳазначиликнинг шахсий ҳисоб рақамлари кўрсатилади.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyihamning turi – shartnoma

2. Loyihamning nomi – Peshku tuman Tibbiyot birlashmasi va Buxoro viloyat Toza hudud DUK Peshku tuman filiali o'rtasida tuzilgan xizmat ko'rsatish shartnoma to'g'risida

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot: Peshku tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 07.01.2022 yil ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



A.Boboyev  
2022 yil « 08 » yanvar